

ҚАДИМГИ ШАРҚ ЁЗМА МАНБАЛАРИДА АХЛОҚ-ОДОБ МАСАЛАСИ
(“ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРҚ МИСОЛИДА)

Очилова Райхона Отавек қизи

БухДПИ “Бошлангич таълим” факултети 1 босқич талабаси.

Аннотация:

Ушбу мақолада биринчи тилшунос, адабиётшунос, этнограф, элшунос Маҳмуд Қошғарийнинг дидактик қарашлари илмий-назарий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Истамбул, Азиз Қаюмов, “Қадимият обидалари”, Н.М. Маллаев, “ўзбек адабиёти тарихи” ва ҳоказо

Туркий халқларнинг тарихини ёритувчи қадимги манбаларда панд-насиҳат ва ўйтлар кўплаб учрайди. Ана шундай асарлар жумласига Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асари ҳам киради. Аллома мазкур асарни 1076-1077 йилларда ёзган. Географ олим Ҳ. Ҳасанов шундай мисол келтиради: 1914 йил Туркияning Диёрбакир шахрида бир бева хотин пулга муҳтоҷ бўлиб, китоб дўконига эски қўлёзмани келтиради ва 30 лирага сотишини айтади. Аммо бу нархга китобни ҳеч ким олмайди. Бир кун дўконга кекса китоб муҳлисларидан Али Амирий кириб қолади ва бир дўстидан қарз олиб, китобни сотиб олади (Али Амирий 1857-1924 йилларда яшаган, ўз шахсий кутубхонасида 15 мингга яқин китоб йиғиб, ҳаммасини Шайх Файзуллоҳ мадрасасига ҳадя этган. Кейинчалик бу китоблар Фотиҳ кутубхонаси - миллий кутубхонага ўтказилган).

Бу китоб Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асари эди. Мазкур қўлёзма асл нусхасидан ҳаттот Муҳаммад бин Абу Бакр ибн Абдул Фотиҳ ас-Совий ал-Дамашкий томонидан девон ёзилгандан 200 йил ўтгач (1266 йилда) кўчирилган эди. Қўлёзма 219 варақли жилдан иборат бўлиб, саҳифалар рақамланмаган, фикрларнинг боши ва охири номаълум эди. Ҳозир бу қўлёзма Истамбулда Фотиҳ кутубхонасининг Али Амирий фондида сақланади.

“Девону луғатит-турк” асарида қадимги туркий сўзларнинг арабча изоҳли таржимаси ҳам берилган. Ушбу асарни қадимий туркий тилнинг изоҳли луғати ҳам дейиш мумкин. “Девону луғатит-турк” 1928 йилда немис олими Брокелман томонидан немис тилига таржима қилинган. 1939 йилда эса Босим Аталай уни усмонли турк тилига таржима қилган ва мазкур таржима Анқарада чоп этилган. Ўзбекистонда асар Солиҳ Мутталибов томонидан таржима қилиниб, 1960-1963 йилларда уч жилдан иборат “Туркий сўзлар лугати” номи билан нашр қилинган. 1967 йилда индекс лугат кўрсаткичи ҳам чоп этилган.

“Девону луғатит-турк” асарининг шеърий парчалари ҳам немис тилига таржима қилиниб, 1914 йилда нашр этилган.

Турк олими Фуад Куприлзода, рус туркологлари В. Радлов Ҳамда С.Ф. Маловлар Ҳам “Девону-луғатит-турк” асари юзасидан тадқиқотлар олиб борганлар. Абдурауф Фитрат ҳам шеърий парчаларни таржима қилиб, уларнинг луғатини тузган ва 1930 йилда Самарқандда нашр эттирган. Н.М. Маллаев “ўзбек адабиёти тарихи” дарслигига “Девону луғатит турк”даги қўшиқ ва мақолларни киритиб, уларни таҳлил этади. А. Қаюмов эса ноёб қадимги ёдгорликларимиз - қўшиқлар (шеърий парчалар)ни биринчи марта насрдан назмга ўгириб, “Қадимият обидалари” номли асарига киритган.

Азиз Қаюмовнинг “Қадимият обидалари” номли асаридаги панд-насиҳатга оид ўгитлар билан суғорилган шеърий парчалар таржимаси мазмуни орқали уларда илгари сурилган маърифий гоялар асосида ўша даврда олиб борилган тарбия мазмуни ҳакида маълумотларга эга бўламиз.

Асарнинг моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи манбаларнинг аксариятида Маҳмуд Қошғарийнинг қўшиқларни халқ орасидан йикқанлиги таъкидланади. Азиз Қаюмов эса бу шеър парчаларининг асл нусхасида ўша даврда мавжуд бўлган бадиий ижодга нисбатан юксак талабчанлик аниқ сезилиб туриши, шеърларни яратган шоирларнинг жуда маълумотли экани, чуқур билим ва нафис бадиий дидга эга экани хусусидаги фикрларни қайд этади ва панд-насиҳатга оид қўшиқларни алоҳида гуруҳга ажратиб, уларни таржима қилиб, мазмунини таҳлил этади.

Шеърларда илм олишнинг қадри, билимли ва донишманд кишиларни ҳурмат қилиш, меҳмондўстлик, хушхулқлик, мардлик, жасурликни тарғиб этувчи, ўз манфаатини кўзлаган молпараст, баҳил, очкўз, дўсти ва халқига хиёнат каби хислатларни қоралайдиган шеърлар қўп учрайди. Бундай шеърлар туркий халқлар қадим-қадимдан бошлаб инсон шахсини шакллантиришда таълим-тарбияга катта эътибор берганлигидан дарак беради.

Панд-насиҳат жанридаги асарларнинг мазмунида асосий ўринни илм олишга ундаш, унинг фойдалари, илм аҳлини ҳурмат этиш тўғрисидаги фикрлар эгаллайди. Ёшларга илмли кишиларга яқинлашиш, улардан ўгитлар олиш маслаҳат берилади:

Ўғлим , сенга қолдирдим ўгит,

Унга амал қил.

Олимларга яқинлаш, баҳра олгил,

Тутиб дил.

Демак, ўғилга насиҳат қилган ота билимли кишилардан яхшилик келишига ишонади, аммо уларнинг фикрини эшишибина қолмай, амалда унга риоя этиш лозимлигини ҳам уқтиради.

Ўгитларда илм-маърифат ҳамда муайян ҳунар борасидаги кўниқмаларнинг эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилишига эришиш керак дейилади.

Панд-насиҳатлар шеърлар мазмунида образли, бадиий тарзда ифодаланади, шу боис улар инсонга кучли таъсир кўрсатади. Чунончи:

Ўғлим, ўгит ол,

Билимсизликни итар,

Талқон бўлса агар,

У шиннига ботар.

Бу ўринда халқ орасида талқонни шиннига қориб ейиш одати мавжудлигига ишора қилинган. Шиннининг мазали экани ҳаммага маълум. Шеърда илм ва яхши фазилат ҳам шиннига қиёсланади. Инсон илм-маърифатли бўлса, талқон шиннига ботиб, одамларга хузур бахш этганидек, билими ҳам унинг ўзи ва инсонларга фойда келтиради, дейилади. Шеърлар муаллифининг илмни бу даражада улуғлаши ўша даврда илм-маърифатнинг юксак даражада улуғланганлиги ва маърифатпарварлик дидактик адабиётнинг узвий қисмини ташкил этганини кўрсатади. Бу дидактиканинг асосий йўналиши, асосан, кишиларга ҳаётда қандай ҳатти-харакатларни амалга ошириш, қандай амалларни бажариш борасидаги билимларни беришга хизмат қилган. Билимли бўлиш билан бирга, ёмон ҳатти-харакатларни содир этишдан сақланиш зарурлиги, манманлик, мақтанчоқликнинг зарарли оқибатлари хусусида насиҳатларни баён этишдан иборатдир. Хусусан:

Илм-ҳикмат ўргангин, бўлма мағрур,

Мақтанчоқнинг шармандаси чиқар, кўр.

Маълумки, билимли, маърифатли бўлиш кишининг кибр-ҳаводан узокроқ туришини таъминлади. ўгитларда инсоннинг кибр-ҳаводан узоқ бўлиши атрофдаги кишилар билан ижобий муносабатни ўrnата олиши учун замин ҳозирлайди деб уқтирилади,. Илм сари интилиш қутлуг, эзгу иш саналади. Демак, ҳар бир киши илм ўрганиш сари интилиши, ўзлаштирилган билимларга амал қилиши, кибр-ҳаводан воз кечиши зарурдир.

Ўрган унинг билимин,

Боргин унинг сари.

Қутлуг ишга бўйсунгин,

Кибрни қув нари.

Ақлли одамнинг зехни ўткир бўлади, у ҳар қандай ўгит-насиҳатни тезда ўз онгига сингдириб олади. Аллома инсон зеҳнининг ўткирлигини, ҳар қандай муаммони ҳал эта олиш лаёқатини худди юқорида парвоз этаётган қушнинг ердаги ўлжани қўриб, унга эга бўлиш илинжида пастга шўнфишида содир этадиган тезлигига қиёслайди. Оқил одам зеҳнининг тезлиги қуш парвозига қиёсланади:

Куш ов кўrsa, юксаклардан пастга чўкар,

Олим киши ўгит берса дарҳол укар.

Бу мисолда ақлли, билимли одамнинг табиати, ўзига хос хислати ифодаланган.

Ақлли, билимли кишилар беҳуда гапларга аҳамият, бефойда, ўзгаларга зиён етказувчи ишларни амалга оширмайди. Ножоиз берилаётган ҳадяларга учмайди, дейди шоир.

Амалга ошираётган ҳар бир ҳаракати эвазига инъом-эҳсон кутмайди, баҳоси у қадар баланд бўлмаган совғаларни ўз қадр-қимматидан юқори қўймайди. Бу ўринда аллома “музни жавоҳир деб билмаслик” кераклигини таъкидлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Hayitov H. A. Sharq mumtoz adabiyotida ohang talqini //Мировая наука. – 2019. – №. 8. – С. 3-5.
2. Ahmadovich H. H. et al. O ‘RXUN-YENISEY BITIKLARIDA TALIM-TARBIYA TO ‘G ‘RISIDAGI FIKRLARNING YORITILISHI VA ULARNING TARBIYAVIY AHAMIYATI //PEDAGOGS журнали. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 349-350.
3. Ahmadovich H. H., Amrulloyevna S. D. RUNN BITIKLARI AXLOQ VA VATANPARVARLIKNING YUksak NAMUNASI SIFATIDA //PEDAGOGS журнали. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 248-250.
4. Ahmadovich K. H., Bahriiddinovna S. G. Development and practical application of acmeological technologies of student assessment diagnose //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2022. – Т. 11. – №. 6. – С. 141-145.
5. Ahmadovich K. H., Zokirovna Z. A. G. THE PROBLEM OF HUMAN EDUCATION AND MORALITY IN FOLKLORE //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 25. – С. 133-137.
6. Ahmadovich K. H., Nodirkulovna A. I. Theory of Fairy Tales in Primary Grades, The Nature of the Fairy Tale Genre //American Journal of Social and Humanitarian Research. – 2022. – Т. 3. – №. 7. – С. 130-133.
7. Axmadovich X. X. et al. ENG QADIMGI MA’RIFIY YODGORLIKLARNI O ‘RGANISHNING AHAMIYATI //PEDAGOGS журнали. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 281-285.
8. Akhmadovich H. H. Khoja nasriddin afandi as people's hero //ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2021. – Т. 11. – №. 2. – С. 1562-1565.
9. Akhmadovich K. K. Symbolism of Birds in Uzbek Literature //International Journal on Integrated Education. – Т. 3. – №. 4. – С. 59-63.
10. K K Akhmadovich, NS Ubaydullayevna THE PRACTICAL SIGNIFICANCE OF EDUCATIONAL INTEGRATIONS IN THE FORMATION OF INDEPENDENT WORK IN PRIMARY GRADES. Conferencea, 66-75..
11. K K Akhmadovich, O B Togmurodovich NEW STAGES AND PRACTICAL CONDITIONS FOR CREATING NATIONAL TEXTBOOKS AND ALPHABET BOOKS. Conferencea, 54-58.
12. K K Akhmadovich, SG Badriddinnovna THE CONCERT OF READING, SPECIAL FEATURES OF CHILDREN’S READING E Conferencea, 28-33.
13. KK Akhmadovich, N O Alisherovna THE AESTHETIC VALUE OF LINGUISTIC FLORIONYMS IN WORKS OF ART IN AROUSING LAUGHTER 59-63.

14. K K Akhmadovich, O B Togmurodovich THE ISSUE OF THE CONTENT OF EDUCATION IN THE HISTORY OF THE PEOPLES OF THE EAST Conferencea, 95-101.
15. K K Akhmadovich, S G Badriddinovna HISTORICAL GENESIS OF UZBEK CHILDREN'S READING, PRINCIPLES OF DEVELOPMENT AND AESTHETIC EXPRESSION OF NATIONALITY IN THEM E Conference Zone, 47-51.
16. K K Akhmadovich, N O Alisherovna THE PROBLEM OF AROUSING LAUGHTER IN UZBEK PROSE BASED ON LINGUISTIC FAUNIMS Conference 90-94.